



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 3 октябрь, № 205 (7163)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-модда. 5 апрель Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—490

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—491

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ислон ҳамкорлик ташкilotи Уставига киритилган тузатишни (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 7 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

Ислон ҳамкорлик ташкilotи Уставига киритилган тузатиш (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—492

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ислон мамлакатларининг стандартлар ва метрология институтини Устави ва Тартиб-қоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 7 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

Ислон мамлакатларининг стандартлар ва метрология институтини Устави ва Тартиб-қоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ—493

«Ўзбекистон раҳбари Ҳиндистонликларни ҳайратда қолдирди»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга амалга оширган давлат ташрифи ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Деярли барча босма нашрларнинг асосий саҳифаларида Юртбошимизнинг суратлари чоп этилиб, расмий учрашувларга оид тафсилотлар ёритилган бўлса, телеканаллар ҳам бор эътиборини ушбу мавзуга қаратиб, кўплаб видеолавҳаларни эфирга узатди. Шунингдек, радиоканаллар қатор репортажлар тақдим қилди. Электрон нашрларда ҳам Ўзбекистон етакчисининг ташрифи ҳақидаги янгиликлар “Top News” категориясидан жой олди.

Журналистларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари ўзининг самимияти, прагматизми ва аниқ натижаларга эришишга интилиши билан Ҳиндистонликларда ёрқин таассурот уйғотди.

ДУНЁ НИГОҲИ



Инглиз тилида чоп этиладиган энг йирик “The Times of India” газетасида Ҳиндистон расмий доиралари Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифига кенг миқёсда



тайёргарлик кўргани қайд этилди. “Яқин орада Ҳиндистонда хориқ давлат раҳбарини бундай катта миқёсда кутиб олишмаган эди. Бу Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатида Ўзбекистон нақадар муҳим аҳамият касб этишини яққол тасдиқлайди. Боз устига, “Ўзбек дипломатияси”нинг салмоқ-

ли даражада фооллашуви натижа-сида минтақада мутлақо янгича геосиёсий вазият шаклланиб бо-раётган шароитда расмий Тошкент-нинг ўрни янада ортаётир”, дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашади журналистлар.

1875 йилда асос солинган “The Statesman” газетаси мухбирлари-нинг билдиришича, олий мартабали меҳмоннинг Ҳиндистонга ташрифи “инсонлар хотирасида узоқ муддат қоладиган катта дўстлик байрамига айланди”. ОАВ вакилларининг таъ-

рифича, Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда нафақат ўз мамлакати, балки бутун Марказий Осиё минта-қасини ўзгартира олди. Бугун Ўзе-

кстон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг таъси-ри мамлакатдан ташқарига ҳам ёйилмоқда.

Республика атрофида “дўстлик ва ҳамкорлик белбоғи” шаклланып-ти. Бу, ўз навбатида, давлатнинг изчил тараққиёти учун қулай шарт-шароит яратди. Тошкентда ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқ-лигини (“connectivity”) яхши англа-шади, шу сабабли уларнинг мил-лий ва халқаро даражадаги барча қадами “бир-бирини тўлдирди”, дейилади мақолада.

Ўзбек дипломатиясининг Афғонистондаги вазиятни барқа-рорлаштириш бўйича саъй-ҳара-катлари сезиларли даражада фооллашгани эътироф этилар экан, “The Hindu” газетасида афгон масаласи Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун бирдек долзарб аҳамиятга эгаллиги таъкидлана-ди. Журналист Сухасини Хайдар-нинг ёзишича, Нью-Дехли Ўзе-бекистон ҳукуматининг қўшни дав-



лат ижтимоий-иқтисодий тикла-ниши борасида амалга оши-раётган тадбирларини тўла қўллаб-қувватлайди ва олқишлай-

ди. Ўз навбатида, Ҳиндистон Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган инфратузилма-вий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида қатнашиш орқали аф-ғон муаммосининг ҳал қилиниши-га хисса қўшиш ниятида. Шу маъ-нода, Ҳиндистон расмий доира-лари Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари ўрта-сида темир йўл қурилишида иш-тирок этишга қизиқиш билдир-шаётгани маълум қилинади.

“Нью-Дехлиннинг Чабохар ва Эрон — Афғонистон чегарасидаги Зоҳидон шаҳарларини темир йўл билан боғлаш борасидаги режа-ларини ҳисобга олсак, Осиёда икки йирик минтақа — Жанубий ва Мар-казий Осиёни туташтирадиган янги минтақалараро транспорт коридо-ри шаклланимоқда, дея таҳмин қилиш мумкин”.

“Ҳиндистон радиоси” (“All India Radio”) тарқатган репор-тажда Шавкат Мирзиёевнинг

давлат ташрифи нафақат ўзбек — Ҳинд алоқаларини “трансфор-мациялаш”, балки минтақадаги ҳолатни ҳам ўзгартиришга қодир, дейилади.

Радиомухбирларнинг хабарига кўра, ҳозирги вақтда Нью-Дехли-да Европа бозорларига чиқиш им-конини берадиган янги транспорт йўлларини бунёд қилиш госяи иш-лаб чиқилмоқда. “Бу жараёнда



Ўзбекистон муҳим аҳамият касб этиб, унинг иштирокисиз мазкур ташаббуслар ўз аҳамиятини йўқо-тади, — дейилади “All India Radio” эшиттиришида. — Ҳинд диплома-тияс расмий Тошкент билан ало-қаларни ҳар томонлама мус-таҳкамлашга интилаётир. Тез ора-да Ўзбекистонга турли даражада-ги делегациялар боради ва улар Нью-Дехлида Шавкат Мирзиёев ва Нарендра Моди ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш механизмларини муҳока-ма қилади”.



«Президент Шавкат Мирзиёевнинг олижаноблиги қалбимиздан жой олди»

Халқ сўзи
Народное слово
Йўлланмаси
билан

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини асрлар давомида яқин қўшничилик, қавму қариндошлик, дўстлик алоқалари боғлаб туради. Урф-одат ҳамда анъаналари ўхшашлигидан ташқари, дини бир, турмуш тарзи ҳам муштарак бу халқлар ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан қайта жонланди. Борди-келдилар яна тикланди, барча йўналишда ҳамкорлик кучайди. Эндиликда тожик тупроғида етиштирилган мева-чевалар ўзбекистонликлар дастурхонига тортилиши, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автоюловлар тожикистонликлар узогини яқин, оғирини енгил қилиши одатий ҳолга айланди. Бундай дўстона муҳитдан одамлар жуда мамнун.



Давлатимиз раҳбарининг яқинда Тожикистонга қилган сафари, қолаверса, ундаги унутилмас бир воқеани бугун ушбу мамлакат фуқаролари оғизлари-дан бол томиб гапиришаётганига гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, Юртбошимиз Тур-сунзода туманидаги икки миришкор бог-бонга мамлакатимизда ишлаб чиқарил-ган “Captiva” автомашинасини совға қилди.

Ҳақиқатан ҳам, аслида оддий халқ-нинг эътирофи, дуоларидан улуғроқ му-кофотнинг ўзи йўқ. Йўлнинг икки чети-да шигил ҳосилга кирган боғу роғлар, оппоқ чаманга бурканган пахтазорлар ўз ишини сидқидилдан баҳарадиган зах-маткаш инсонлар фидокорлигидан да-рак беради.

Газетконлар билан учрашув

Кейинги йилларда тахририятимизда муштарийлар билан учрашувлар уюштиришдек эзгу анъана шаклланди. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” журналистлари меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларга тез-тез ташриф буюришяпти, далаларга бориб, меҳнаткашларга “ҳорманглар!” дейишмоқда, сайёр қабулларда шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган ҳамюртларимизнинг муаммолари ва уларни ўйлантираётган масалаларга эътибор қаратишмоқда.

Тахририят ушбу эзгу ишни давом эттириб, ҳар бир ҳудудда аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Узро ишончга асосланган суҳбатлар натижасида фикр-мулоҳазаларингизни ўрганар эканмиз, сиз, газет-хонларнинг талаб ва истакларингизни эътиборга олиб, газетамиз мазмун-мундарижасини янада тақомиллаш-тиришни мақсад қилганмиз. Ўз режаларимиз билан ўртоқлашамиз, материалларимиз учун мавзу бўлади-ган саволларингизга жавоб беришга, муаммоларга ечим топишга интиламиз. Ижодий гуруҳ таркибида тахрири-ят ходимларидан ташқари, таникли ёзувчи ва шоир-лар, илм-фан ва маданият намояндалари ҳам бор.

Бу учрашувлар Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар туман, шаҳар ва қишлоқлари ҳамда пойтахти-мизда давом этмоқда.

Мулоқотлар вақти ва манзили ҳақидаги батафсил маълумотлардан маҳаллий матбуот нашрлари орқали хабардор бўласиз.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Тадбиркор бирор юмушга қўл уришдан олдин бозорни обдан ўрганади. “Тайёрлайдиган маҳсулотни ёки хизматига талаб қандай?”, “Эртага рақобатга дош бера олмай “синиб” қолмайманми?” деган саволларга жавоб излаб кўради.

Бироқ пойтахтимиздаги “Big Bag Production” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиш чоғида дастлаб ҳаёлингизда “Деярли ҳар куни кўзимиз тушадиган ва зарур ҳолларда фойдаланаётганимиз — оддий қоплар ишлаб чиқариляпти, бунинг нимаси янгилик экан?” деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Лекин жамоада меҳнат қилаётган ишчилар ва раҳбар-ҳодимлар билан суҳбат жараёнида бу ўй сизни дарров тарк этади. Нега дейсизми?

2018 йил —
ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН
ҲОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
Қўллаб-қувватлаш йили



Хукуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорлик кучаяди

Бугунги Ҳиндистон кинофильмлар, чой маҳсулотлари ҳамда инновацион технологиялар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Барча соҳада илгор технологияларни қўллаган ҳолда, тараққиёт сари дўдил одимламоқда. Аҳолиси сони буйича дунёда иккинчи, иқтисодий салоҳиятига кура тўртинчи ўринда турадиган мазкур мамлакат юртимизнинг яқин ҳамкорларидан саналади.



Айтиш жоизки, бу алокалар фақат ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳалар билан кифояланмайди. Жаҳонда глобализув жараёnlари тезлашган, терроризм ва экстремизм хавфи кучайиб бораётган ҳозирги шароитда икки давлат хуқуқ-тартибот идоралари ўртасида изчил алоқалар кучайиб бораётгани ҳам эътиборга молик.

Мамлакатимиз кучли хуқуқий тизимга эга бўлиб, у мустакил ҳолда фаолият олиб боради, — дейди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Винод Кумар. — Айни йўналишдаги алоқалар хусусида тўхталсак, бу ШХТ ҳамда унга аъзо давлатлар билан суд-хуқуқ, адлия ва хуқуқ-тартибот борасидаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Ташкилот доирасида қабул қилинган қатор ҳужжатлар икки давлат тегишли идоралари ҳамкорлигида хуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, икки давлат ички ишлар идоралари ўртасида криминалистика йўналишида келишувлар бор.

Биз юртингиз хуқуқ-тартибот идоралари билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйсак, шунда жиноятчиликка қарши самарали кураша оламиз, — дейди Ҳиндистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Пинки Анад. — Ҳиндистон халқи терроризмдан қўл бора азият чеккан ва бу хавф ҳамон мавжуд. Ўзбекистонда ҳам шундай муаммолар йўқ эмас. Умуман олганда, бутун дунё терроризм балосига тез-тез дуч келмоқда. Ҳозирги кунда давлатларимиз ўртасида ҳамкорлик юқори босқичга чиқши ва хуқуқ-тартибот идоралари

алоқаларининг янги сифат ва мазмунда йўлга қўйилиши турли хавф-хатарлар учоғини барвақт аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Икки давлат хуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорлик доираси кенг. Катта биз-несда рақобат кучайиб бориши, турли манфаатлар тўқнашуви жараёнида инвестор ҳамда тadbirkорларнинг хуқуқ ва манфаатларини ишончли химоя қилиш ушбу идоралар хизматисидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Бугун юртимизда қулай бизнес муҳити яратиш ҳамда сармоядорлар қонуний хуқуқ ва манфаатини химоялашга қаратилган ҳаракатлар ҳиндистонлик сармоядор ва ишбилармонлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

— Ўзбекистонда инвесторлар учун қулай муҳит ва шарт-шароит яратиб берилмоқда, — дейди “Bluewheel” компанияси раҳбари Омар Кумар Сингх. — Кейинги пайтда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сармоя киритган, янгидан иш бошламоқчи бўлган чет эллик тadbirkорлар хуқуқини, қонуний манфаатларини химоя қилишга оид, уларга турли имтиёзлар беришни назарда тутуви бир қатор қарор ва фармонлар имзоланди. Бу биз

каби инвесторларга катта имкониятлар ашиғини очди. Шу боис ҳам Ҳиндистондаги жуда кўплаб йирик компаниялар юртингизда ўз бизнесини йўлга қўйиш ҳаракатларини бошлаб юборишди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжали, тўқимачилик саноати, ахборот технологиялари, инновацион тиббиёт ҳамда туризм ва фармацевтика йўналишларида алоқалар тобора ривожланиб борапти. Табиийки, бу шиддатли жараёнлар суд-хуқуқ тизимидаги ҳамкорлигини янги босқичга қўтаришни талаб этади. Ҳиндистон кучли хуқуқий тизимга эга давлат саналади. Бу тизимнинг самарали ишлаши кўп ҳижатдан кадрлар салоҳияти билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимиз ушбу йўналишдаги савй-ҳаракатларга ҳайрихоҳ, — дейди Ҳиндистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Пинки Анад. — Давлатимиз ва соҳага алоқадор вазирликлар олий таълим даргоҳлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор. Университетларимиз ўртасидаги тажриба алмашиш, табиийки, уларнинг мавқеини, талабаларнинг салоҳиятини оширишда айна муддаосир. Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида бўлиб ўтган турли вазирликлар ўртасидаги учрашувлар самараси ўларок, бу масала узил-кесил ҳал этилади. Биз икки давлатнинг тараққиётига хизмат қиладиган истиқболли йўналишлар олдинга силжиши учун бор куч ва билимимизни ишга соламиз.

Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувлар кўн тартибидан икки халқ манфаатларига тўлиқ мос келадиган қўллаб муҳим масалалар ўрин олди. Улар юқори даражага олиб чиқилиши, албатта, икки давлатнинг хуқуқ-тартиб идоралари ўртасидаги ҳамкорлигини ҳам янги босқичга қўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мулътимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

«Ўзбекистон раҳбари ҳиндистонликларни ҳайратда қолдирди»



“The indian Express” нашрида баҳо беришларига, Ўзбекистон раҳбари ўз йўлини аниқ билиши ва белгиланган мақсадларга



эришиши билан ҳиндистонликларни ҳайратда қолдирди. Унинг учун протокол тadbirlари эмас, балки аниқ келишувлар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳимдир. Зеро, бўлажақ авлодлар бизнинг сўзларимизга эмас, қилган ишларимизга қараб баҳо беради. Буни тушунган ҳолда Шавкат Мирзиёев ислохотчи сифатидаги ролини ҳам яхши англайди. Унинг ташаббуси билан бошланган жадал ислохотлар давлатнинг изчил ривож учун мустақам пойдевор яратишга қаратилган. Шу сабабли ҳам Ҳиндистонда Ўзбекистон етакчисини қадрлашда ва унинг ташрифига катта эътибор билан ёндаши.

“Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари янги ўсиш суръатини намоеён этиб, амалий мазмун билан бойимокда”. Бу сўзлар “ANI News” ахборот агентлиги таркатган мақоладан ўрин олган. Олий даражадаги ташрифлар алмашинуви, журналистларнинг ёзишча, давлатлараро муносабатларни мустақкамлаб, жаҳон ва минтақа сиёсатининг долзарб масалалари



South Asia's Leading Multimedia News Agency

ри бўйича фикр алмашиш имконини беради. Замонавий дунё ниҳоятда тез ўзгармоқда. Бундай шароитда ишончли ва ўзига тўқ стратегик шерикнинг бўлиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон айнан шундай стратегик шерикдир, деб қайд этилади “ANI News”да.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

БЮДЖЕТДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЗАРУР

Олий Мажлис Сенатида Жаҳон банки ва Европа иттифоқининг қўшма миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотлар бюджет жараёнини халқро мезонлар ва стандартлар асосида ташкил қилишни тақозо этаётгани таъкидланди.

Давлат ва жамоатчилик учун молиявий ҳисобот стандартларига (International Public Sector Accounting Standards, IPSAS) кўра, мамлакатнинг давлат ва маҳаллий даражадаги бюджет жараёнини тегишли тузилмаларга, жамоатчиликка очик ҳамда тушунарли тарзда тақдим этиб борилиши лозим. Президентимизнинг жорий йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тadbirlарини тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишда муҳим қадам бўлиб, мамлакатимизда бюджет жараёнини очиклиги ҳамда шаффофлигини таъминлашга хизмат қиладди.

Учрашувда қўшма миссия аъзолари мамлакатимизда Давлат бюджет параметрлари ижроси устидан парламент назорати ҳамда қонун

ҳужжатлари нуктаи назаридан бюджет аудити назорати ҳақида батафсил хабардор этилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда мазкур йўналишларда парламент назоратини амалга оширишнинг мустақам қонунийлик базаси яратилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботини Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ҳамда баҳолаш учун ҳар ҳисобот йилида 5 апрелга қадар юборади.

Учрашувда айтиб ўтилганидек, жорий йилда Жаҳон банки ва Европа иттифоқининг қўшма миссияси давлат ҳаражатлари ва молиявий ҳисобот / PEFA талаблари ҳамда стандартларига мувофиқ, мамлакатимиздаги молия ва бюджет интизомини, бюджет ресурсларни, шунингдек, молиявий хизматлари тақсимлаш самарадорлигини баҳолайди ҳамда ўз тавсияларини тақдим этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 21 июнь кунин тармоклар ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ҳамда ўзлаштириш натижалари таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшиллангани тўғрисида иқтисодиёт тармоклари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда.

Хусусан, хорижий давлатларга ташрифлар ва музокаралар натижа-сида қиймати 17 миллиард доллар бўлган 182 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида дастлаб-ки келишувга эришилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишти-рокида умумий қиймати 64 миллиард АКШ долларига тенг бўлган 849 та лойиҳа рўйхати тузилди.

Амалга оширилган ибобий ишлар

«Президент Шавкат Мирзиёевнинг олижаноблиги қалбимиздан жой олди»



Инсоннинг қўли гул

Турсунзода туманининг мамлакатимиз Паркенти қир-адирларига ўхшаш ҳудудлари ёнбағирларидаги тоқзорлар кўзни қувонтиради. Бир аср аввал қамишзору тўқайзор бўлган бу ерларни қимлар шу қадар обод қилиб, жаннатмонанд жойларга айлантиришган, дея сўрагудек бўлсангиз, “фарғоналиклар” дея жавоб беришади.

Тарихдан маълум, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида мустабид тузум қатағони миллат гули бўлган зиёлиларни йўқотиш билангина чекланиб қолмади. Оддий халқ бошига ҳам кўплаб жабру жафоларни ёғдирди. Уларни туғилган ерларидан бошқа жойларга қўчириб юборишди. Фарғона водийсидаги миришкор оилалар Сурхондарё вилояти ва жанубий Тожикистон туманларига жўна-тилди. Озтириқ туманининг Бозор-боши (Ўзтумиқ) маҳалласидан йўлга чиққан ака-уканинг оилалари қайга бориб қўнишини билишмагани тўғрйли Регар (ҳозирги Турсунзода) туманининг қамишзор ботқоқ ерлари чек-касида қамшидан қапа тикиб, ўзла-рига қўналга ясаб олишди...

Уша суронли йилларда йўлга чиққан ака-ука авлоди бўлган Камол ҳожи Мадумаров бугун сомон ёшни қорала-япти. Тожикистонликлар уни узум-чиликнинг пири, деб аташади. У раҳбарлик қилаётган “Боғи Сомон” фермер хўжалигининг бугунги кунда 560 гектар тоқзори бор.

Бошқалар унумдор жойларни қидириб кетишганда боболаримиз бу ерни бежиз танлашмаган, — дейди Камол ҳожи Мадумаров. — Қамиш-зор бўлгани билан сувга сероб экан-лигига улар эътибор беришган. Оби-ҳаёт бўлса, ҳар қандай ерни обод қилиш мумкин, бу ёғи инсоннинг ўзига, қатъиятга, шижоатига, меҳнатига боғлиқ эканлигига ишоничан.

“Боғи Сомон” фермер хўжалигида ҳозир 1102 нафар аҳоли иш билан таъминланган. Бир гектар ерга эгал-лик қилаётган киши 10 тонна ҳосил-ни хўжаликка топширса, 20 тоннаси-ни ўзида олиб қолади. Гектаридан 30 тоннадан кам ҳосил олинмайди. Шу тариқа мол-ҳолларини қўлайтири-шади, рўзгорларини бутлашади. Йил-дан-йилга жамоат хўжалиги, маҳал-лалар инфратузилмаси яхшиланиб бо-раверади.

— Менинг беш нафар фарзандим бор, — дейди Дилмурод Муҳаммадиев. — “Боғи Сомон” фермер хўжалигида 80 сотих ерга эгаллик қиламан. Олаётган даромадимиз фаровон яша-шимизга, уй-жой қуришимизга, тўйлар қилишимизга етаяпти.

“Боғи Сомон” фермер хўжалиги-нинг 1200 тонна узум сақланадиган музлаткичи мавжуд. Шунинг учун бо-зорга бу ердан етказиб берилаётган у-зум кишин-ёзин ўз сифатини йўқот-майди. Нарх-наволар эса бозор ша-

роитига қараб ўзгариб бораверади. Бундан ташқари, хўжаликда 4 минг-дан зиёд қўй-қўзилар ҳам боқилади.

Унутилмас учрашув

Жорий йилнинг 27 сентябрь кунй Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалй Раҳмон ҳамроҳлигида “Боғи Сомон” фермер хўжалигига ташриф буюриб, Камол ҳожи Мадумаровга “Сарпва” автомашинаси қалитини топширди.

Камол ҳожи Мадумаровни бу совға билан Тожикистон ва Ўзбекистондаги яхшиликларни, қавму қариндошларни қут-лашлари ханузгача давом этамоқда. Улар ҳалол меҳнат, мазмунли ҳаёт ўз муқофотига эга бўлишини, бу тўхфа мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, дўст-биродарликка хизмат қилишини таъкидлашмоқда.

— Бу мен учун ҳаёtimда энг қувонч-ли воқеа бўлди, — дейди Камол ҳожи Мадумаров. — Ота юртимнинг Президенти совғасини олар эканман, боболаримизнинг ўша оғир дамлар-да бошдан ўтказган қийинчилик-из-тироблари кўз ўнгимдан киноатасма-сидек ўтди. Шавкат Мирзиёев биз-нинг бошимиздан ўтказган қунларни билгандек, қадрлагандек қўнгилми-зни тоғдек юксалтирди. У кишининг олижаноблиги қалбимиздан жой олди. Бунй нафақат биз, Тожикистонда аша-ётган ўзбеклар ҳам ҳис этиб туриш-ди. Энди дўстлигимиз тобора мус-тақкамлашиб бораверади. Президент Шавкат Мирзиёевга раҳмат! Давлат-ларимиз раҳбарларини ҳаммамиз, халқларимиз дуо қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти тўхфаси Камол ҳожи Мадумаровни ана эзгу ва савобли ишлар қилишга ундамоқ-да. Унинг ташаббуси билан қуриб бит-казилган Янгибўғ билан Заркамар ма-ҳаллаларини бoғловчи энй 6,5 метр, узунлиги 40 метрлик кўприкдан аҳоли фойдалана бошлади. 154 метр чуқур-ликдан чиқарилган учта қудуқ суви-дан Долонсой, Оқтош, Саъдий Шерозий қишлоқ ва маҳаллаларининг эҳтиёжи қондирилди. Мактаблар, боғчалар таъмирланишига маблағлар ахратилди.

«Ватан» номи билан бошланган иш

Президент Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи совғаси Неъмат ҳожи Усмоновга топширилди.

Неъмат ҳожи Усмонов Камол ҳожи Мадумаров билан ака-уканинг фар-зандлари ҳисобланишади. Бир тақ-дир, бир қисмат йўлини босиб ўтиш-гани, буни ташаббуси билан қуриб бит-казилган Янгибўғ билан Заркамар ма-ҳаллаларини бoғловчи энй 6,5 метр, узунлиги 40 метрлик кўприкдан аҳоли фойдалана бошлади. 154 метр чуқур-ликдан чиқарилган учта қудуқ суви-дан Долонсой, Оқтош, Саъдий Шерозий қишлоқ ва маҳаллаларининг эҳтиёжи қондирилди. Мактаблар, боғчалар таъмирланишига маблағлар ахратилди.

— Бу соҳибкорларнинг қўли очик-лиги, савоатпешалиги йўлларини ёруғ қилиб келган, — дейди боғдор-чиликда ўзи ҳам юксак натижаларга эришиб келаётган Муҳаммаджон ҳожи Мусабоев. — Биз барчамиз қавму қариндошлармиз. Қозонимизга ойлаб ёғ тушмаганини эслайман. Ота-бобо-ларимиз бизга “тўғри фикр юрит, тўғри гапир, тўғри юр”, деб ўргатиш-ган. Бу ўғитнинг нечоғли тўғри экан-лигини ҳаёт кўрсатди.

— Дастлаб фермер хўжалиги таш-кил этганимда унинг номини “Ватан” деб қўйганман, — дейди Неъмат ҳожи Усмонов. — Кейинчалик фарзандла-рим ҳам фермер хўжалиги очиб, унга “Неъмат ҳожи” деб ном қўйишди. Аммо мен “Ватан” номи билан иш бошлаганман.

Неъмат ҳожи Усмонов раҳбарли-гидаги хўжаликлар 200 гектардан зиёд ерга эга. 800 беш қўй-қўзи, 500 тонна сизимга эга музлаткич, яна қанчадан-қанча тажриба участкалари, уруғчилик майдонлари... Бундай йи-рик хўжаликни бошқаришининг ўзи бўлмайди. Неъмат ҳожи Усмоновни фақат боғдорчилик эмас, ободончи-лик, фаровонлик, халқ манфаатлари каби инсонпарварликка йўғрилган ғоялар ҳам қизиқтиради.

— Биз Неъмат ҳожи Усмонов бил-лан қўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Тожикистон қишлоқ хўжалиги институти профес-сори Саидали Гулов. — Бу киши ўз касбининг устаси. Ҳаммаша муамма-лликка интилади. Бундай боғбонлар-нинг ҳар қандай ерни обод қилишга қурби етади.

Неъмат ҳожи Усмонов ҳамма соҳа-да янгилик тарафдори. Аънаъвийлик-ни замонавийлик билан уйғунлаштириб бориш самара беришини теран ан-глайди. Янги-янги ўсимлик навларини излаб топиб, уни турли ҳудудларга таркатади, тинмай изланади.

Неъмат ҳожи бу ишларни илмий асосда ўрганиб, илмий жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширади. Тожикистондаги боғдорчилик-узумчи-лик илмий-тадқиқот институтида у ка-федрa мудирдир. Узумнинг серхосил ва ширин “Кардинал”, “Фингир” навларини Хитойдан келтириб қўпай-тири, “Галаба” навининг Тожикистон ва Ўзбекистонда тарқалишига сабаб-чи бўлди.

Қўнгил олмоқ савобдир

Турсунзодада Неъмат ҳожи Усмоновнинг йиллар давомида бева-басоралар учун ошхона очиб, уларга бир кунда бир марта ўз маблағи ҳисо-бидан бепул оқибат улашгани, бу эзгу ташаббусини хануз давом эттираётга-ни ҳақиқатга илик сўзлар тез-тез қў-лимизга чалинади.

— Қўнгил олмоқ савоб, — дейди у. — Қайси юртда бўлмасин, Яратган-нинг инояти билан бойликка эга бўлганлар шунинг бир улуши ғарибу бева-бечораларники эканлигини унут-масалар, дейман.

Давра суҳбати

Солиқ ислоҳоти — халқаро экспертлар нигоҳида

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил июнь ойидаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси солиқ юқини изчиллик билан қамайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини тақомиллаштиришга қаратилган бўлиб, булар иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Концепция лойиҳаси Халқ-аро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган. Унга 2019 йил 1 январдан бошлаб, бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда, чунончи, бар-ча фуқаролар учун ҳисмо-ний шахслардан олинмадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 физикдо-рида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамға-риб бoғриладиган пенсия ҳисобсаврақларига йўналти-риш назарда тутилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистонда солиқ ислохоти — халқаро экспертлар нигоҳида” мав-зуйда ўтказилган давра суҳ-батда шулар хусусида сўз юритилди.

Парламент қўйи палата-сининг Бюджет ва иқтисо-дий ислохотлар қўмитаси томонидан Молия вазирли-ши билан ҳамкорликда таш-кил этилган мазкур тadbир-да депутатлар, Жаҳон ба-нки ва Россия Федерацияси вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси-да солиқ ислохотларини ислох қилишга қўмаклашиш бўйича Жаҳон банки солиқ миссияси раҳбари Рахуль Авасти таъкидлаганидек,

ҳамкорликдаги дастур дои-расида солиқ юқини қамайт-ириш бўйича бир қатор та-шаббўсларни амалга оши-риш бошланди. Мамлакат таълим, соғлиқни сақлаш со-ҳаларида хизматлар кўрса-си сифатини оширишни кўзлаган бир шароитда Давлат бюджетни тушумлари барқарорлигини таъминлаш асосий мақсаддир.

Мукамал солиқ тизими ва солиқ маъмуриятчилиги бу, Р. Авастининг фикрича, дунё иқтисодиётларининг бор билимидан, ривожланган давлатлар тажрибасидан амалиётда фойдаланишни тақозо этади. Қўп ҳолларда солиқ сиёсати фақат қороз-да жозибадор ва самарадор бўлиб қўрилиши мумкин, аммо уни амалга ошириш босқичида турли муаммолар вужудга келади. Шу ўринда иқтисодий олим Адам Смит-нинг солиққа оид машҳур та-моийллари — аниқлик, од-дийлик, қулайлик ва иқтисод қилишни келтириш уринли. Айтиш мумкинки, булар ҳозирги вақтгача долзарбли-гича қолмоқда ва ҳаётийли-гини йўқотмаган.

Россия Федерациясининг Солиқ кодексини ишлаб чи-кишда фаол иштирок этган халқаро эксперт ва масла-хатчи Сергей Шаталов ўз чи-кишида хорижий мамлакат-лар тажрибасини ўрганиши ва таққослаш асосида Ўзбеки-стоннинг солиқ соҳасидаги тизимли муаммоларини тах-лил қилиб берди.

Давра суҳбати давомида етакчи миллий ва хорижий экспертлар, республиканинг турли вазирлик ҳамда идо-ралари мутахассислари иш-тирокида музокаралар бўлиб ўтди.

З. ИСМОИЛОВА.



Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг

«Кўхна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 2018 йил 28 сентябрда
Хива шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

«Кўхна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилиб, унда 677 984 000 (олти юз етмиш етти миллион тўққиз юз саксон тўрт минг) сўмлик 49 600 (қирқ тўққиз минг олти юз) та, икки разрядда 1 355 968 000 (бир миллиард уч юз эллик беш миллион тўққиз юз олтиш саккиз минг) сўмлик 99 200 (тўқсон тўққиз минг икки юз) та пул-буюм ютуқлари ўйналди. Ютуқли лотереялар иккита разряддаги бир хил серия ва билет рақамлари бўйича ютуқли ҳисобланади.

Серия ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига жадвалда қайд этилган пул-буюм ютуқлари чиқди:

T/p	Ютуқ номи	Серия рақами	Билет рақами	T/p	Ютуқ номи	Серия рақами	Билет рақами	T/p	Ютуқ номи	Серия рақами	Билет рақами	T/p	Ютуқ номи	Серия рақами	Билет рақами
1	5 000 сўм пул ютуғи	000015	001-200	66	25 000 сўм пул ютуғи	000979	001-200	136	5 000 000 сўм пул ютуғи	002192	146*)	200	Хивага йўлланма	003042	176*)
2	50 000 сўм пул ютуғи	000039	001-200	67	5 000 сўм пул ютуғи	000982	001-200	137	10 000 сўм пул ютуғи	002197	001-200	201	(1 кишилик)	003074	001-200
3	5 000 сўм пул ютуғи	000044	001-200	68	Хивага йўлланма			138	500 000 сўм пул ютуғи	002206	134*)	202	500 000 сўм пул ютуғи	003075	192*)
4	Хивага йўлланма				(2 кишилик)	000995	060*)	139	Хивага йўлланма			203	5 000 сўм пул ютуғи	003083	001-200
	(1 кишилик)	000050	041*)	69	1 000 000 сўм пул ютуғи	000999	046*)		(2 кишилик)	002209	166*)	204	50 000 сўм пул ютуғи	003092	001-200
5	50 000 сўм пул ютуғи	000052	001-200	70	1 000 000 сўм пул ютуғи	001005	092*)	140	5 000 сўм пул ютуғи	002239	001-200	205	10 000 сўм пул ютуғи	003095	001-200
6	500 000 сўм пул ютуғи	000063	080*)	71	5 000 сўм пул ютуғи	001006	001-200	141	«Nexia-3» автомобили	002243	103*)	206	500 000 сўм пул ютуғи	003106	048*)
7	10 000 сўм пул ютуғи	000095	001-200	72	1 000 000 сўм пул ютуғи	001066	147*)	142	500 000 сўм пул ютуғи	002276	114*)	207	5 000 сўм пул ютуғи	003154	001-200
8	10 000 сўм пул ютуғи	000140	001-200	73	10 000 сўм пул ютуғи	001089	001-200	143	10 000 сўм пул ютуғи	002303	001-200	208	5 000 сўм пул ютуғи	003201	001-200
9	10 000 сўм пул ютуғи	000149	001-200	74	5 000 сўм пул ютуғи	001110	001-200	144	Хивага йўлланма			209	5 000 сўм пул ютуғи	003211	001-200
10	5 000 сўм пул ютуғи	000159	001-200	75	500 000 сўм пул ютуғи	001119	100*)		(1 кишилик)	002331	104*)	210	5 000 сўм пул ютуғи	003246	001-200
11	5 000 сўм пул ютуғи	000174	001-200	76	50 000 сўм пул ютуғи	001145	001-200	145	5 000 сўм пул ютуғи	002350	001-200	211	500 000 сўм пул ютуғи	003247	061*)
12	Хивага йўлланма			77	5 000 сўм пул ютуғи	001159	001-200	146	5 000 сўм пул ютуғи	002358	001-200	212	5 000 сўм пул ютуғи	003262	001-200
	(2 кишилик)	000179	158*)	78	5 000 сўм пул ютуғи	001170	001-200	147	5 000 сўм пул ютуғи	002392	001-200	213	500 000 сўм пул ютуғи	003289	199*)
13	Хивага йўлланма			79	5 000 сўм пул ютуғи	001190	001-200	148	25 000 сўм пул ютуғи	002407	001-200	214	500 000 сўм пул ютуғи	003292	131*)
	(1 кишилик)	000185	049*)	80	500 000 сўм пул ютуғи	001211	055*)	149	10 000 сўм пул ютуғи	002419	001-200	215	5 000 сўм пул ютуғи	003306	001-200
14	10 000 сўм пул ютуғи	000189	001-200	81	5 000 сўм пул ютуғи	001219	001-200	150	10 000 сўм пул ютуғи	002434	001-200	216	500 000 сўм пул ютуғи	003322	180*)
15	5 000 сўм пул ютуғи	000194	001-200	82	500 000 сўм пул ютуғи	001235	119*)	151	5 000 сўм пул ютуғи	002435	001-200	217	10 000 сўм пул ютуғи	003331	001-200
16	Хивага йўлланма			83	500 000 сўм пул ютуғи	001263	200*)	152	5 000 сўм пул ютуғи	002453	001-200	218	«Spark» автомобили	003337	146*)
	(1 кишилик)	000199	183*)	84	10 000 сўм пул ютуғи	001269	001-200	153	5 000 сўм пул ютуғи	002467	001-200	219	500 000 сўм пул ютуғи	003345	154*)
17	Хивага йўлланма			85	Хивага йўлланма			154	Хивага йўлланма			220	5 000 сўм пул ютуғи	003346	001-200
	(1 кишилик)	000214	141*)		(1 кишилик)	001275	060*)		(1 кишилик)	002498	182*)	221	5 000 сўм пул ютуғи	003403	001-200
18	5 000 сўм пул ютуғи	000228	001-200	86	500 000 сўм пул ютуғи	001324	053*)	155	10 000 сўм пул ютуғи	002512	001-200	222	50 000 сўм пул ютуғи	003424	001-200
19	500 000 сўм пул ютуғи	000315	062*)	87	5 000 сўм пул ютуғи	001341	001-200	156	500 000 сўм пул ютуғи	002525	109*)	223	5 000 сўм пул ютуғи	003455	001-200
20	Хивага йўлланма			88	5 000 сўм пул ютуғи	001344	001-200	157	500 000 сўм пул ютуғи	002529	031*)	224	5 000 сўм пул ютуғи	003456	001-200
	(1 кишилик)	000325	197*)	89	500 000 сўм пул ютуғи	001371	121*)	158	500 000 сўм пул ютуғи	002550	200*)	225	5 000 сўм пул ютуғи	003464	001-200
21	50 000 сўм пул ютуғи	000377	001-200	90	Хивага йўлланма			159	5 000 сўм пул ютуғи	002566	001-200	226	50 000 сўм пул ютуғи	003468	001-200
22	10 000 сўм пул ютуғи	000410	001-200		(1 кишилик)	001380	077*)	160	500 000 сўм пул ютуғи	002589	028*)	227	10 000 сўм пул ютуғи	003478	001-200
23	500 000 сўм пул ютуғи	000422	192*)	91	Хивага йўлланма			161	500 000 сўм пул ютуғи	002614	017*)	228	Хивага йўлланма		
24	5 000 сўм пул ютуғи	000441	001-200		(1 кишилик)	001384	092*)	162	10 000 сўм пул ютуғи	002633	001-200		(1 кишилик)	003505	006*)
25	10 000 сўм пул ютуғи	000446	001-200	92	Хивага йўлланма			163	50 000 сўм пул ютуғи	002663	001-200	229	Хивага йўлланма		
26	10 000 сўм пул ютуғи	000459	001-200		(1 кишилик)	001385	176*)	164	Хивага йўлланма				(1 кишилик)	003513	105*)
27	5 000 сўм пул ютуғи	000461	001-200	93	500 000 сўм пул ютуғи	001388	008*)		(1 кишилик)	002677	106*)	230	10 000 сўм пул ютуғи	003550	001-200
28	5 000 сўм пул ютуғи	000467	001-200	94	5 000 сўм пул ютуғи	001390	001-200	165	Хивага йўлланма			231	5 000 сўм пул ютуғи	003588	001-200
29	5 000 сўм пул ютуғи	000488	001-200	95	Хивага йўлланма				(1 кишилик)	002682	114*)	232	25 000 сўм пул ютуғи	003590	001-200
30	5 000 сўм пул ютуғи	000496	001-200		(1 кишилик)	001392	180*)	166	500 000 сўм пул ютуғи	002688	160*)	233	10 000 сўм пул ютуғи	003602	001-200
31	5 000 сўм пул ютуғи	000511	001-200	96	5 000 сўм пул ютуғи	001399	001-200	167	500 000 сўм пул ютуғи	002713	028*)	234	5 000 сўм пул ютуғи	003632	001-200
32	500 000 сўм пул ютуғи	000547	194*)	97	Хивага йўлланма			168	10 000 сўм пул ютуғи	002726	001-200	235	Хивага йўлланма		
33	10 000 сўм пул ютуғи	000565	001-200		(1 кишилик)	001420	122*)	169	Хивага йўлланма				(1 кишилик)	003647	066*)
34	500 000 сўм пул ютуғи	000566	037*)	98	500 000 сўм пул ютуғи	001429	063*)		(1 кишилик)	002730	116*)	236	5 000 сўм пул ютуғи	003659	001-200
35	Хивага йўлланма			99	5 000 сўм пул ютуғи	001437	001-200	170	1 000 000 сўм пул ютуғи	002735	040*)	237	Хивага йўлланма		
	(1 кишилик)	000574	001*)	100	5 000 сўм пул ютуғи	001509	001-200	171	500 000 сўм пул ютуғи	002738	022*)		(2 кишилик)	003661	051*)
36	5 000 сўм пул ютуғи	000588	001-200	101	500 000 сўм пул ютуғи	001516	184*)	172	5 000 сўм пул ютуғи	002759	001-200	238	Хивага йўлланма		
37	5 000 сўм пул ютуғи	000597	001-200	102	Хивага йўлланма			173	500 000 сўм пул ютуғи	002786	183*)		(2 кишилик)	003674	083*)
38	Хивага йўлланма				(2 кишилик)	001518	167*)	174	Хивага йўлланма			239	5 000 сўм пул ютуғи	003687	001-200
	(1 кишилик)	000615	145*)	103	25 000 сўм пул ютуғи	001537	001-200		(1 кишилик)	002789	057*)	240	500 000 сўм пул ютуғи	003688	102*)
39	Хивага йўлланма			104	5 000 сўм пул ютуғи	001541	001-200	175	Хивага йўлланма			241	500 000 сўм пул ютуғи	003706	007*)
	(2 кишилик)	000617	070*)	105	5 000 сўм пул ютуғи	001549	001-200		(1 кишилик)	002810	127*)	242	1 000 000 сўм пул ютуғи	003707	187*)
40	5 000 сўм пул ютуғи	000620	001-200	106	5 000 сўм пул ютуғи	001569	001-200	176	Хивага йўлланма			243	10 000 сўм пул ютуғи	003710	001-200
41	500 000 сўм пул ютуғи	000664	136*)	107	Хивага йўлланма				(1 кишилик)	002817	077*)	244	25 000 сўм пул ютуғи	003716	001-200
42	500 000 сўм пул ютуғи	000682	121*)		(1 кишилик)	001578	084*)	177	10 000 сўм пул ютуғи	002826	001-200	245	Хивага йўлланма		
43	Хивага йўлланма			108	500 000 сўм пул ютуғи	001650	094*)		(2 кишилик)	002828	001-200		(2 кишилик)	003720	086*)
	(1 кишилик)	000701	188*)	109	5 000 сўм пул ютуғи	001651	001-200	178	5 000 сўм пул ютуғи	002831	001-200	246	500 000 сўм пул ютуғи	003729	088*)
44	10 000 сўм пул ютуғи	000735	001-200	110	Хивага йўлланма			179	5 000 сўм пул ютуғи	002832	109*)	247	5 000 сўм пул ютуғи	003740	001-200
45	500 000 сўм пул ютуғи	000763	051*)		(1 кишилик)	001669	041*)	180	Х						